

Қуръони Карим дарслари (87-дарс). Қуръоннинг Қуръон билан насх бўлиши



13:30 / 26.05.2020 3413

(учинчи мақола)

Учинчи қисм

Қуръон оятларининг ҳукми насх бўлиб, тиловати боқий қолиши.

Бунда Аллоҳ таоло Қуръони Каримда бир оятни нозил қилиб, маълум шаръий ҳукми жорий қилади. Унга мусулмонлар бир муддат амал қиладилар. Кейин ўша оятнинг ҳукмига амал қилиш тўхтатилади. Аммо оятнинг ўзи Қуръони Каримда тураверади. Мусулмонлар уларнинг ҳукмига амал қилмасалар ҳам, тиловат қилаверадилар. Мазкур оятнинг тиловати ибодат ҳисобланаверади.

Қуръони Каримдаги насх тўғрисида сўз кетганда айнан шу қисм ҳақида гапирилган бўлади. Насх ҳақида собит бўлган нарса шудир. Қуръони Каримдаги носих ва мансوخ ҳақида сўз кетганда ҳам, китоблар ёзилганда ҳам худди шу қисм эътиборга олинган бўлади.

Ушбу қисмдаги насх тўғрисида уламоларнинг тутган йўллари уч хил бўлган:

Биринчи йўл - Қуръонда насх йўқ, деганларнинг йўли.

Бу гап Абу Муслим Асфиҳонийнинг сўзи бўлиб, унинг айтишича, насх ақлий жиҳатдан жоиз бўлса ҳам, шариатда йўқдир. Бу мазҳаб асоссиз ва муросасиз бўлгани учун унга ҳеч ким эътибор қилмаган. Абу Муслим Асфиҳоний яҳудийларга ўхшаб насхни инкор қилгани учун, уламолар уни танқид қилганлар ва унинг гапларига кучли раддияларни берганлар.

Иккинчи йўл – насх масаласида муболағага кетган тоифаларнинг йўли.

Бу йўлни тутганлар Қуръони Каримдаги насх масаласини кенг олиб, илмий таянчга асосланмай иш кўриб, аслида насх бўлмаган оятларни ҳам насх бўлди, дея ҳукм чиқариб, насх бўлган оятларнинг сонини ҳаддан зиёд кўпайтириб юборганлар. Бу ҳақиқатни қуйидаги жадвалдан билиб олиш қийин эмас;

1. Имом Абдурраҳмон ибн Алий ибн Жавзий – 274 та оятни мансух деган.
2. Имом Абулқосим Ҳиббатуллоҳ ибн Салома – 235 та оятни мансух деган.
3. Имом Муҳаммад ибн Баракот ибн Ҳилол – 220 та оятни мансух деган.
4. Имом Маръий ибн Юсуф Мақдисий – 218 та оятни мансух деган.
5. Муҳаммад ибн Ҳазм Зоҳирий – 214 та оятни мансух деган.
6. Имом Абдуллоҳ ибн Атийя Ажҳурий – 213 та оятни мансух деган.
7. Имом Ибн Хузайма Форсий – 202 та оятни мансух деган.
8. Имом Абу Жаъфар Наҳҳос – 138 та оятни мансух деган.
9. Имом Абдулқоҳир Бағдодий – 66 та оятни мансух деган.
10. Имом Абдурраҳмон Суютий – 20 та оятни мансух деган.

Ушбу рақамлардан уламолар насх қилинган оятларни аниқлашда катта ихтилоф қилганлари очиқ-ойдин кўриниб турибди. Уларнинг ичида энг ози – имом Абдурраҳмон Суютийнинг ҳисобини ҳам муҳаққиқ уламолар кўп, деганлар. Ўз-ўзидан «Баъзи уламоларнинг насх бўлган оятлар сонини бунчалик кўпайтириб юборишларига нима сабаб бўлган?» деган савол пайдо бўлади. Бу ҳақли саволнинг жавоби қуйидагича:

1. Уларнинг ўтган даврларда «наسخ» сўзи ва унинг турланган шакллари хослаш ва шунга ўхшаш маъноларда ҳам кўп ишлатилганлигига эътибор бермасликлари.

Бу ҳақда имом Қуртубий ўз тафсирида қуйидагиларни ёзади: «Олдин ўтганлар маънони кенг олиб, хослашга ҳам «наسخ» лафзини ишлатганлар».

Насхнинг сонини кўпайтирганлар ўша гапларни ҳам насх деб тушунганлар ва насх қилинган оятларнинг сонини кўпайтириб юборганлар. Шундай қилиб, уларнинг саноғига насх ҳам, хослаш ҳам кириб кетган.

2. Бирор сабабга кўра шариатга киритилиб, сабаби йўқолганидан кейин амалдан қолган нарсаларни ҳам насх деб санаш.

Бунга сабр ва бардошга чақирувчи оятлар жидду жаҳдга амр қилувчи оятлар ила насх бўлган, деб даъво қилиш киради. Аслида эса ундай эмас. Заифлик пайтида доимо сабр-бардошли бўлиш керак. Кези келганда жидду жаҳд қилиш лозим. Иккиси ҳам ўз ўрнида бўлади. Зотан, баъзи оятларнинг ҳукми маълум сабабларга боғланган бўлади. Ўша сабаблар мавжуд бўлса, ҳукм жорий бўлади ва улар йўқолса, ҳукм ҳам амалдан тўхтайд.

3. Ислонинг жоҳилият одатларини ботилга чиқаришини ҳам насх деб ўйлаш насх бўлган оятлар сонининг нотўғри равишда кўпайиб кетишига сабаб бўлган.

Бунга оталарнинг аёлига уйланиш ва опа-сингилни бир вақтда никоҳлаб олишнинг ҳаром қилиниши, талоқнинг сонини учтагача чегаралаш, хотинлар сонининг тўрттага қисқартирилиши каби бир қанча ҳукмлар киради.

Бундай хатоларга йўл қўйиш насхнинг таърифини эсдан чиқариб қўйиш сабабидан келиб чиқади. Аслида эса насх – шаръий ҳукмнинг ундан кейин келган шаръий далил билан бекор қилинишидир. Бу ерда эса шаръий ҳукм йўқ. Балки жоҳилият одати бор. Бу одатнинг йўқ қилиниши насх деб аталмайди. Балки жоҳилият одатини ботил қилиш дейилади.

4. Истисно қилишни ҳам насх деб ҳисоблаш насх қилинган оятлар сонининг кўпайиб кетишига омил бўлган.

Олдин ўтган кишиларда истиснони ҳам «наسخ» дейиш одати бўлган. Мисол учун, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг истисно қилинган нарсани ҳам «мансух» – «наسخ қилинган», дейиш одатлари бўлган. Ўша вақтда Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг ўзлари ҳам, у кишининг бу каби сўзларини эшитганлар ҳам гап нимада эканини яхши билганлар. Бу сўзлар мажоз учун ишлатилаётганини, ҳақиқат эмаслигини англаганлар. Аммо

замон ўтиши билан баъзи кишилар мажозни ҳақиқат деб тушуниб қолганлар ва насхнинг ададини кўпайтириб юборганлар.

5. Баъзи оятларнинг маъносини жамлаш имкони бўлса-да, уларни бири-бирига қарама-қарши деб гумон қилиш ҳам насх қилинган оятлар сонининг кўпайиб кетишига сабаб бўлган.

(Давоми бор)

«Қуръон илмлари» китобидан